

Одам қадри олтиндан қиммат


2-бет



Ishonch

2008-yil
25-dekabr
№153
(2566)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Келгуси авлоднинг заковатли, билимдон ва ўз истеъдодига ишонч билан улғайишида бошланғич таълимнинг ўрни беқиёс.

Барча мактабларда бўлгани сингари, пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 300-мактабда ҳам «Фан ойлиги» якунланди. Фанлар бўйича тест синовлари, олимпиада, очик дарслар ва тарбиявий соатлар якуни ўзига хос фестивал кўринишини олди.

Бошланғич синф ўқувчилари иштирок этган фестивал Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

Ўқувчилар томонидан барча вилоятларнинг миллий урф-одатларини ўзида акс эттирган сахнавий кўринишлар тадбирда йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

Анонс



Ижтимоий ҳимоя —
бош вазирамиз

3-БЕТ



«Эътироф» танловига
материаллар

4-5-БЕТЛАР



Чўғ устидаги рақс

13-БЕТ

ЖАВОБ



ёки хуфёна ўч

15-БЕТ

Раёсат йиғилиши

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.



Кун тартибдаги биринчи масала — «Навоий вилоятидаги корхоналарда меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳолати ва ходимларга яратилган меҳнат шaroитлари тўғрисида» ЎзКУФК бўлим мудир У.Одилов маъруза қилди. Таъкидлашчи, мазкур вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва вакилликлари ҳамда бошланғич ташкилотларда муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, бу борада бир қатор хато ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Н.Хўжақулов бу камчиликларни бартараф этиш баробарида барча меҳнат жамоаларида намунали тарзда жамоа шартномалари тузишга эришиш ва ходимлар саломатлигини муҳофазалашни шу асосида таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг III Мажлисида Республика Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоа тарғиботи ва маъна-

вий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини ижро қилишга доир дастур-тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Мазкур қарорларнинг Тошкент шаҳри ва ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология тармоғидаги касаба уюшмалари ташкилотларида бажарилишининг аҳволи тўғрисида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Насимов ҳамда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси А.Ғуломов ахбороти тингланди.

Ҳақиқатан ҳам ушбу қарорлар ва дастурлар асосида «Миллий гоа ва мафкура» илмий-амалий ва «Маънавий тарғиботи» марказлари, Хотинқизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ишчи-ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларнинг са-

марадорлигини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган кўрик-танловлар, учрашув, суҳбат ва кечалар уюштириб келинмоқда.

Касаба уюшмалари тизимидаги кутубхоналар Мустақиллик даврида чоп этилган адабиётлар билан бойитилмоқда. Китобхонлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган мусобақалар ва спартакиадалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бироқ маънавий-маърифий ишлар мунтазам ва изчил равишда ўтказиладиган тадбир эканлигини доимо ёдда тутайлик. Касаба уюшма етакчилари ҳар бир жамоага ва оиллага кириб бориши, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун алоҳида жон куйдириши шарт.

Раёсат мажлисида шунингдек, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий кенгаши ва унинг қуйи ташкилотларида касаба уюшма бюджетининг сарфланиши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Президентининг Халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров ахборот берди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши девонининг 2009 йилга мўлжалланган режаси тасдиқланди.

Йиғилишда касаба уюшмалари ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Янги йил айёми арафасида Самарқандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт байрами ўтказилди.

Самарқандда адабиёт байрами



Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, хусусан, ўзбек адабиётини тарихий ва замонавий аъёнлар асосида ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик, одамлар онгу шууридаги ўзгаришлар шоир ва ёзувчиларимиз ижодида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг ижод аҳлига қаратаётган юксак эътибори, бадиий ижод ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамияти, яратилаётган янги асарлар, мустақиллик даври адабиёти ҳақида тўхталиб ўтди.

— Самарқанд азалдан маърифат бешиги бўлиб келган, бу заминдан етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар, олимлар адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган, - деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. — Бу аъёнани бугунги авлод вакиллари ҳам муносиб давом эттириб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу ижодий муҳит билан яқиндан танишиш, таниқли шоир ва ёзувчиларимиз иштирокида адабий учрашувлар ўтказиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Шубҳасиз, бу байрам олис қишлоқларда, маҳаллаларда ҳам давом этади, адабий аъёнларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусикали драма театрида мушоира бўлиб ўтди. Унда халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Усмон Азим, шунингдек, самарқандлик ёш ижодкорлар ўз шеърларидан намуналар ўқиди.

Бир гуруҳ ижодкор ўқитувчи ва талабаларга, ёш қаламкашларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Хабарингиз бор, яқинда Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан Президентимиз байрам табриги йўллаб, мамлакатимизнинг ер ости бойликларини ўзлаштириш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлидаги шарафли меҳнати учун бир гуруҳ юртдошларимизни фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлади. Куйида мукофотланганлардан баъзиларининг дил изҳорлари билан танишасиз.

Бахтимни шу ерда топдим

Кривой Рог кончилик институтида таҳсил олган бўлсам-да, йўллангани ҳали синашга бўлмаган юрт — Ўзбекистонга беришганда, тўғриси, анча иккиланиб қолгандим. Аммо орадан кўп ўтмай, меҳмондўст, илтифотли ва самимий миллатингиз билан шу қадар чиқишиб кетдикки, оқибатда, шу заминга бир умр боғланиб қолдим. Ўқиб юрган кезларим «Учкудук» ашуласини бир неча бор эшитгандим. Қарангки, 2003 йилдан бошлаб менинг ҳаётим беадоқ кенгликлар бағридаги ана шу шаҳар билан боғланди. Комбинатнинг Учқудук шахридаги Шимолий кон бошқармасига қарашли 3-гидрометаллургия заводида уч йил муҳандис бўлиб ишладим, кейин эса директор этиб тайинландим.

Одам қадрли олтиндан қиммат, дейишди ўзбеклар. Аслида ҳам шундай бўлишига шубҳа йўқ. Шундай экан, халқимиздан ҳеч қачон ўзбекона лутф ва меҳр-оқибат ари-масин.

Виктор НИКИТАНОВ,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби

Фаолиятимни оддий слесарликдан бошлаганман. Навоий шахридаги саноат билим юртини тугатгач, мени Зарафшон шахридаги Марказий кон бошқармаси 2-цехига ишга юборишди. Шижоат билан ишладик. Сўнг 1-гидрометаллургия заводида аппаратчи, уста-технолог, директор ёрдамчиси, директор ўринбосари бўлдим. Касаба уюшма тизими бўйича ҳам бир неча муддат ишлашимга тўғри келган. Шу вазифадан мени Навоий кон-

Касбимдан фахрланаман

металлургия комбинати бошқармаси кадрлар бўлими бошлиги лавозимига тайинлашди. Ўн уч йилдирик, комбинатнинг Зарафшон шахридаги 5-кон бошқармасига директорлик қилаяпман.

Жамоа билан аҳил оиладек ишлаймиз. Ютуқ ва нуқсонлар, қувонч ва ташвишлар ўртада. Аслида одам қандайдир мукофот олиш учун ишламайди. Камтарона меҳнатим туфайли исмиمنى рағбатланганлар рўйхатида кўриб, бошим осмонга етди.

Тоҳир РЎЗИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими

Аввало инсон манфаати

Бир мақсад йўлида 65 мингдан зиёд киши меҳнат қилишини тасаввур қилсангиз, гигант корхонамиз салоҳияти яққол намоён бўлади. Ишонч билан айта оламаники, бизда ходимлар меҳнати ва манфаатларига бўлган муносабат юксак даражада. Ойлик маош, устама, мукофот ва бошқа тўловлар вақтида бериб борилади. Муҳими, касбдошларимиз бажараётган ишлари ватанимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши учун нақадар муҳим эканлигини ҳис этиб, сидқидилдан меҳнат қилишади.

Юбилей арафасида 32 нафар ходимга давлат мукофотлари тантанали тарзда топширилди. Давлат мукофотларидан ташқари, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, бевосита, комбинат томонидан ҳар бир касаба уюшма аъзосининг меҳнати эътибордан четда қолгани йўқ. Бу қадар хурсандчилик тўкин дастурхон атрофида давом эттирилди. Чиндан ҳам ҳамкасбларимизнинг хизмати ана шундай эътиборга лойиқ.

Исроил РАҲМАТОВ,
НКМК касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари



Касаба уюшмалари ҳаёти

ган муддатда кўриқдан ўтказиб турилади. Меҳнат муҳофазаси кўрсаткичлари баҳолаб борилади ва голиблар, албатта, рағбатлантирилади.

— **Нефтчилар кўргони қиёфаси, у ердаги шарт-шароит ҳар қандай шаҳардагидан қолишмайди. Шу ҳудуднинг кейинги йиллардаги ўзгаришлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Чиндан ҳам кўргонимизга кўпчиликнинг, ҳатто чет элликларнинг ҳам ҳаваси келади. Ҳозиргача

римнинг исботини юқорида тилга олинганлардан ташқари бошқа кўпгина жиҳатларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, корхона маъмурияти билан келишган ҳолда йил бошидан буён жамоа аъзоларининг озиқ-овқат таъминоти ва бошқа имтиёзлари учун 800 млн. сўм сарфланди. Ходимларимиздан 500 га яқини республикамизнинг турли санаторий ва дам олиш уйларида саломатлигини тиклади. Бунинг учун 94 млн. сўм харажат қилинди. Касаба уюшма кўми-

— **Завод ходимларининг ишга қатнашида муаммолар йўқми?**

— Корхонанинг аксарият ходимлари Нефтчилар кўргонида яшайди. Уларнинг ишга келиб-қетиши учун махсус автобуслар ажратилган. Бухоро ва Когондан қатнайдиغانлар учун эса ўз поездимиз бор. Умуман, иш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатлари бепул. Бундан ташқари, ходимларимизга йўл харажатлари учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг икки барбара миқдорида маблағ берилади.

— **Мана, «Ёшлар йили» ҳам якунига етаяпти. Бу борадаги давлат дастурини амалга ошириш учун корхонада қандай ишлар қилинди? Жамоада спортга бўлган муносабат тўғрисида ҳам тўхталсангиз.**

— Ёшлар — бизнинг таянчимиз, келажакимиз. Улар жамоанинг ярмини ташкил этади. Уларга хурматимиз катта. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турибмиз. Жорий йилда ёшларимизнинг 12 тасига коттеж, 19 тасига оилавий ётоқхонадан жой ажратилди. Меҳрибонлик уйида тарбияланган уч нафар ёшни ишга қабул қилиб, никоҳ тўйларини ҳам ўтказиб бердик. Янги уй-жой, рўзгор анжомлари — мебел, телевизор, музлатгич, гилам ва бошқа буюмлар билан завод ҳисобидан таъминладик. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Энди спорт ҳақида гапирсак, бутун жамоамиз спортсевар десам хато бўлмайди. Бу борада, айниқса, ёшларимизнинг ҳаракатлари эътиборга молик. Спортни ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида бир йилда 7,8 млн. сўм сарфланди. Нефтчилар кўргонида етарлича жиҳозланган спорт майдончалари, спорт-соғломлаштириш мажмуаси мавжуд. Кураш, футбол, волейбол, теннис, сузиш, шахмат, шашка тўғрақлари ишлаб турибди. Корхонамиз спортчилари вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

— **Янги йилдаги режаларингиз ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.**

— Янги йилда меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ва яшаш шароитини янада яхшилаш каби муҳим жиҳатларга асосий эътибор қаратилади...

Яна бир янгиликни айтиш керак. Заводимиз тасарруфида чорвачиликни йўлга қўяялми. Бунинг учун мингта қорамолга мўлжалланган молхона қурилаяпти. Чорва озуқаси етиштириладиган 400 гектар экин майдонига эга бўлдик. Яқинда Украинадан 200 та зотдор гунажин олиб келамиз. Бу билан ходимларимизни бепул сут, арзон гўшт билан таъминлаш янада яхшиланади. 60 та янги иш ўрни яратилади.

«Ishonch» муҳбири
Иzzатулла ҲОЖИЕВ
сўхбатлашди

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳошим ҚОСИМОВ билан сўхбат

— **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида жойлардаги касаба уюшмалари ролини янада ошириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар белгиланган эди. Улар сизларнинг жамоангизда қай йўсинда бажарилаяпти?**

— Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳаракат дастури «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остидаги улғувор ишларни амалга ошириш учун ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий жабҳаларда юртбошимиз Ислоҳ Каримов бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар сиёсатига тўла мос келади. Ушбу дастурга мувофиқ фаолиятимизнинг учта бирламчи йўналишини айтиб ўтиш жоиз.

Булар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказишда давлатга кўмаклашиш, вакиллик ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилиш, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари маънавий ва жисмоний камолотга эришишида уларга ёрдам беришдан иборат. Шу каби устувор вазифалар маъмурият билан меҳнаткашлар ўртасида тузилган жамоа шартномасида ўз аксини топган.

— **Корхонадаги иш шароити, хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазасига муносабат қандай?**

— Жамоамизнинг ҳар бир аъзосини касбининг етук мутахассиси дейиш мумкин. Нефтни қайта ишлаш жараёнида хавфсизлик чораларини кўришнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапиришга ҳожат йўқ. Цехлар замонавий хавфсизлик жиҳозлари билан таъминланган. Ходимлар махсус кийим, шахсий ҳимоя воситаларига эга. Улар белгилан-

замонавий лойиҳалар асосидаги пишиқ гишдан бунёд этилган бир ва икки қаватли 500 га яқин коттежда ишчи-хизматчиларимиз оилалари билан истиқомат қилади. Жорий йилда 32 та коттеж фойдаланишга топширилди.

Кўргонда Ёшлар маркази, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Маданият саройи, маиший хизмат кўрсатиш уйи, сунъий кўл, ҳаммом, иқтидорли болалар мактаб-интернати, ўрта мактаб, боғча, касалхона ва поликлиника, мусиқа мактаби, спорт майдончалари, дўконлар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Худудда турар-жой, маданий-маиший бинолар қуриш, ободонлаштириш ишлари давом етаяпти.

Асосий мақсадни айтиш. Бизда меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояси бош вазифа саналади. Фик-

таси томонидан 240 нафар ходимга касалхонада даволаниши учун 40 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Завод тасарруфидаги «Нефтчи» оромгоҳи 75 млн. сўм сарфланиб таъмирланди. Жамоа шартномасига кўра, завод ходимларимизнинг 920 нафар фарзанди имтиёзли йўлланма асосида дам олган бўлса, кам таъминланган, ногирон, меҳрибонлик уйи болаларидан 100 нафарига бепул йўлланма берилди. Оила-сида мактаб ўқувчиси бўлган ходимларга 58 млн. сўмлик ўқув қуроллари тарқатилди.

Пенсионерларимизни, боқувчисини йўқотган оилаларни, завод ҳомийлигидаги ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида 300 млн. сўмлик озиқ-овқат олиб берилди.

Эътибор ва Ғамхўрлик

Бугунги кунда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 65179 нафар талаба танлаган мутахассислиги бўйича тахсил олмоқда.

7 йил аввал кенгаш томонидан иқтидорли, фаол, кам таъминланган талаба ва ўқувчилар учун махсус сти-

пендия таъсис этилган эди. Ўтган давр мобайнида 11 нафар иқтидорли талаба стипендия соҳиб бўлди.

Ёшлар йили муносабати билан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ёшлик гулшани» танлови, «Ёш талентларни излаймиз», «Ўзбе-

Фаолият



кстон, сени куйлайман» санъат фестиваллари шулар сирасига киради. Ёшларнинг дунёқарашини бойитиш мақсадида Бухоро вилоятига саёҳат ташкил қилинди.

Ёзда 80 нафар ўқувчи «Шодлик» оромгоҳида бепул соғломлаштирилди. Халқаро тала-

балар куни муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, марказий кенгашнинг 3 нафар, вилоят кенгашининг 19 нафар навбатдаги стипендиатлари номи эълон қилинди.

Урганч шаҳар автоўл коллежи ўқувчиси Т.Ниязметов, Янгибозор педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси С.Абдуллаева, Гурлан енгил саноат коллежи ўқувчиси Ш.Жумабоева ва бошқа стипендиатлар касаба уюшмасига таъққур билдирди.

«Талабалик толеимдир» номли иқтидорли талабалар танлови тантанага ўзгача завқ бағишлади. Голиблар ва барча иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши бундан кейин ҳам ёшлар камолоти учун турли тадбирларни амалга ошираверади.

Ҳусниддин НУРУЛЛАЕВ,
таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Хоразм
вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси



«ЭЪТИРОФ»

Жамият ҳаётида кўплаб жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади. Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида жамиятнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу ташкилотларнинг вужудга келиши билан жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда янги имкониятлар пайдо бўлади.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ўзларининг тузилиши, вазифалари, мақсад ва манфаатларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Улар ана шу жиҳатларига кўра икки турга — ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларига бўлинади.

Жамиятнинг сиёсий системасида давлат ва сиёсий партиялардан кейин ижтимоий ташкилотлар муҳим ўрин эгаллайди. Уларга касба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, диний ташкилотлар киради. Бу ташкилотлар ўз уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ жамоат ишларида, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий масалаларни ҳал этишда қатнашадилар.

Ижтимоий ташкилотлар тизимида касба уюшмалари энг оммавий, энг таъсирчан ташкилотлардан биридир. Уларга турли касб билан шугулланувчи, жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этувчи миллионлаб кишилар бирлашган.

Касба уюшмалари узоқ тарихга эга бўлиб, ҳатто қулдорлик тузумида ҳам шахарлардаги озод хунарманд-козибларни бирлаштирган шех, гилдия, жамоа, уюшма шаклларида амал қилган. Лекин улар унчалик кўп тарқалмаган эди.

Урта асрларда хунарманд-козиблар ва савдогарларнинг касбий уюшмалари анча кенг тарқала бошлади. Лекин улар тарқоқ ҳолда ҳаракат қилиб, ҳатто айрим вазият-

ларда ўзаро рақобатда бир-бирларини заифлаштириб, расмий ҳокимият муассасаларининг бевосита аралашувиغا сабаб бўлар эди.

Ҳозирги касба уюшмалари ҳамда ҳаракатининг шаклланиши капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши, ривожланиши жараёни билан чамбарчас

қисқа ёки узоқ муддатли иш ташлашларни ташкил этиб, уни бошқаради.

Аммо бундай йўл тутиш ҳамма вақт ҳам самара берармаган. Масалан, 1968 йилда Францияда ишчилар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий талаблар билан кўп миллионли иш ташлашни уюштирадилар. Натижада мамлакатда сиёсий танглик вужудга келди. Бунинг оқибатида касба уюшмалари фаолияти ҳокимият томонидан тўхтаиб қўйилди.

Ҳозирги даврда мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда касба уюшмалари жаҳон миқёсида ва ҳар бир мамлакатда ўзаро тарқоқлик

олдида турган долзарб масала — сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, энг оммавий ташкилот бўлган касба уюшмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди» деган сўзлари бор.

Ана шу юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, узоқ муддатга мўжалланган «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига бирлашган касба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат Дастури» қабул қилинган.

Мазкур Дастур касба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини аниқлаштиришни, уларнинг қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият, тадбиркорлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бошқа касба уюшмалари билан ўзаро алоқаларини, ишнинг тегишли стратегияси ва тактикасини, шакл ва услубларини, халқаро касба уюшмалари ҳаракатидаги си-

барчас боғлиқлигини кўрамиз. Шу боис Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойида бундан буён касба уюшмалари маҳалларга ҳам чуқурроқ кириб бориши кераклиги ҳақидаги масала ўртага ташланган эди. Сабаби, маҳалла институти фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ўз ўрни ва мақомига эга. Бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бўлини сифатида куйи ҳокимиятнинг баъзи вазифаларини тўлиқ ёки қисман бажариб, шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўлинига айланиб бормоқда.

Назаримизда, баркамол авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, одамларни турли ахборотлардан баҳраманд этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда маҳалланинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари кўп. Буларнинг барчасини касба уюшмалари ва маҳалла ҳамкорлиги асосида рўйбга чиқариш йўлларини топиш фурсати келди деб айтиш мумкин.

Эътибор беринг, агар касба уюшмалари меҳнат жамоалари, корхона ва ташкилотларда ижтимоий барқарорликни таъминлашда масъул бўлса, маҳалла аҳолиси ўртасида ушбу вазифани фуқаролар йиғини бажаради. Маълум бир маҳалла ҳудудида жойлашган корхона шу ҳудуднинг ижтимоий характери эга турли муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериши мумкинми? Албатта. Демак, бу жиҳатдан ҳам касба уюшмалари ва маҳалла кўмиталари ҳамкорлиги истиқболли дейишга ҳақлимиз.

Шундай қилиб ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳозирги кунда жамият ҳаётида катта маънага эга бўлган ташкилотлардир. Улар ҳар бир фуқаронинг, муайян бир гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва муҳофаза этувчи уюшмалар бўлиб, одиллик, демократия, ўзини ўзи бошқариш қоидалари асосида мамлакат аҳолисининг барча қатламларини жамият ҳаётини бошқариш ишларига сафарбар қилишда муҳим восита вазифасини бажармоқда.

Фурқат Тўхтамуродов,
магистр

Касба уюшмалари Ижтимоий ташкилот сифатида

боғлиқдир. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Европа мамлакатлари ва АҚШда кўплаб касба уюшмалари тузила бошлади.

Касба уюшмалари дастлаб ишчиларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатиш жамоналари, ширкатлар сифатида фаолият бошлаган, кейинчалик капитализм ривожланиб бориши жараёнида уларнинг фаолияти ҳам ҳар томонлама такомиллашган. Натижада улар меҳнаткашларнинг тўб ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифани бажара бошлади.

Касба уюшмалари ҳозирги кунда ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсий системаси таркибида катта таъсир кучига эга, жамият ҳаётида муҳим ўзгаришлар қилишга қодир бўлган ташкилотлардан бирига айланган. Бу ташкилот ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қудратли воситаси сифатида иш ташлаш усуллари билан фойдаланади, бунинг учун вазиятга қараб

ва зиддиятларга барҳам бериб, умумий мақсад йўлида кураш олиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари тизимини кенгайтириш, улар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ишлари жадал ривожланмоқда. Бундай ташкилотларга самарали фаолият кўрсатиши учун иқтисодий имтиёзлар берилмоқда. Шу билан бирга, юртбошимиз бир неча чиқишида «Нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, шунингдек, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклиф билдириш.

Хўш, фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг роли, ўрни ва истиқболи қандай?

Президентимизнинг Ўзбекистон касба уюшмаларига қаратилган «Бугун жамиятимиз

ёсатини аниқлашни кўзда тутади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган тўб ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси фуқароларнинг турли қатламларини бирлаштириб, ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш учун изчил ва қатъий ҳаракат қилмоқда.

Аммо миллий менталитетимиздан келиб чиқадиган бўлса, касба уюшмаларининг фаолияти нафақат корхона ва ташкилотлар, балки ўз аъзоларининг аксарият қисми истиқомат қиладиган маҳаллалар билан ҳам чам-

Жамоат ташкилотлари мамлакат сиёсий тизимининг ажралмас қисмидир. Бу ташкилотлар одамларнинг битта мутахассисликка ёки ижтимоий гуруҳга, бир хил мақсадлар йўлида бирлашиши асосида вужудга келади. Бизнинг мамлакатимизда бир қанча жамоат ташкилотлари фаолият юритади: касба уюшмалари, партиялар, ижодий уюшмалар, спорт ва бошқа хил жамиятлар. Махсус ташкилий форма асосида бирлашган ва кейинги йилларда кенг тарқалган мақсадли фондлар ва хайрия жамғармалари ҳам шулар сирасига киради.

Махсус мақсадли фондлар турли хўжалик субъектлари ва аҳолининг иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мақсадида пул маблағларини ихтиёрий тарзда бирлаштириш асосида вужудга келади.

Махсус мақсадли фондлар одатда жамоатчилик, алоҳида ижтимоий гуруҳ ва жамоалар ташаббуси билан ташкил этилади. Улар олдиндан тасдиқланган низом асосида, кўпинча юридик шахс сифатида фа-

Махсус мақсадли ва

олият юритади. Низомда фонд фаолиятининг мақсади, вазифалари ва ташкилий тамойиллари аниқлаштирилади.

Фонд бошқарув президиуми уни ташкил этишда ташаббус кўрсатган таниқли жамоат арбоблари, олимлар ва бошқа вакиллардан иборат бўлади.

Махсус мақсадли фондларга тушумларнинг манбалари ва улар бўйича харажатларнинг йўналишлари ўзига хос бўлиб, ушбу фонднинг мақсади ва хусусиятидан келиб чиқади. Шу билан бирга фонд даромадлари таркибида ҳомийлик асосида корхона ва ташкилотлар, алоҳида фуқаролардан тушадиган маблағлар улушининг оқорилиги аънанаси кузатилади. Мазкур фондлар харажатлари фойда олиш мақсадини кўзламаса-да, маълум даражада даромад келтириши мумкин.

Махсус фондлар давлат бюджети олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас, жумладан, улар солиқ ва боғхона тўловларидан озод этилган.

«Инсониятнинг яшаб қолиши ва ривожланиши учун» халқаро ижтимоий фонди мустақил, нодавлат ташкилоти ҳисобланади. Унинг шаклланиш манбаларига қуйидагилар киради:

- ихтиёрий бадаллар;
 - инъомлар;
 - корхоналар, фондлар, ижодий уюшмалар, жамоалар, алоҳида фуқароларнинг моддий ва маданий бойликлари, пул маблағлари ва кўчмас мулк кўринишидаги ажратмалари;
 - мамлакатда фонднинг ноширлик ва бошқа ижтимоий фойдали фаолиятдан тушадиган маблағлар.
- Мазкур фонд маданият тадбирлари, кўргазма-савдо, аукционлар,

лотереялар ўтказиш ва бошқа тадбирларда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Халқаро маданият фонди жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ихтиёрий пул бадаллари, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятдан даромадлар, лотерея ўтказиш ва аукционлардан даромадлар, концертлар ўтказишдан тушадиган тушумлар, инъом ва васиятлар (коллекция, кутубхона ва ҳоказо) ҳисобига ташкил этилган.

Мазкур фонд харажатлари сметага кўра қуйидагиларга йўналтирилган:

- маданият обидаларини қуриш ва таъмирлашга;
- музейлар ва кутубхона фондларини тўлдиринишга;
- чет эллардан маданият асарларини сотиб олишга;
- мукофот, стипендиялар тулашга.

ТАНЛОБИГА

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида сиёсий партия ва ҳаракатлар муҳим рол ўйнайди. Уларнинг мақсад ва вазифалари турлича бўлса-да, жамиятда сиёсий муаммоларни ҳал қилишда, турли сиёсий кучлар манфаатларини ҳимоя қилишда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсий партиялар жамият истиқболини белгилашда, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашда олдинги сафларда бормоқда.

Ҳар қандай жамият ривожлангани сари унинг ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқеи ҳам ошиб боради. Қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикр эркинлиги бўлмайди. Бу ўз навбатида жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Тарихга назар ташлаганда, тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берганлиги ва бунинг оқибатида манфаатлари қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаганлигини кўриш мумкин.

Партия сўзи латинча «pars» — «қисм», «бўлак» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, жамиятдаги ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Дастлабки сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Асосан, жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам партиялар моҳияти жиҳатидан бироз фарқ қилган. Фақат мустақил ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила

олмаган.

Ҳозирги сиёсий партияларнинг айримлари дастлаб Европа мамлакатларида шаклланган. Кейинчалик дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг ёйилган.

Ўзларининг ҳаракат дастурида белгилаб қўйилган мақсад-манфаатлари ва уларни амалга ошириш воситалари ҳамда усуллари жиҳатидан сиёсий партиялар инқилобий ёки ислохотчи, реакцион ёки консерватив, демократик ёки

Буржуа-демократик партияларида турли партиявий уюшма ёки коалициялар мавжуд бўлади. Кўп партияли коалицияни партиялардан биронтаси ҳам мустақил бошқара олиш имкониятига эга бўлмайди. Икки партияли коалицияда иккита кучли партия мавжуд бўлиб, улар парламентда мутлақ кўпчилик овозга ҳамда ҳокимиятни ҳар бири мустақил эгаллаш имкониятига эга бўлади. Масалан, АҚШ сиёсий ҳаётида ҳукмрон-



имконият янада кенгайди.

Кўп партияли системага ўтиш демократиянинг раванқ топишига кенг йўл очиб беради.

ҳукукий демократик давлатни қуришдан иборат. Бундай давлатни барпо этиш учун эса барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва қонун-

Сиёсий фаоллик ошса...

тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берганлиги ва бунинг оқибатида манфаатлари қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаганлигини кўриш мумкин.

Партия сўзи латинча «pars» — «қисм», «бўлак» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, жамиятдаги ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Дастлабки сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Асосан, жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам партиялар моҳияти жиҳатидан бироз фарқ қилган. Фақат мустақил ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила

лик қиладиган демократик ҳамда республикачилар партиялари асосан президент сайлови пайтида, сенат ва вакиллар палатасига ўтказилган сайловларда фаоллашди. Сайловлар оралигидаги вақтларда эса асосан мамлакатдаги сиёсий ҳаёт ва вазиятни ўша сайлаб қўйилган ваколатли муассасалар орқали доимий назорат қилиб турадилар.

Бир партияли системалар кўпроқ мустақил, авторитар ёки тоталитар сиёсий тузумлар ўрнатилган мамлакатларда амал қилади. Улар бундай сиёсий тузумларда сиёсий ҳокимиятга яқка эгалик қилишга ҳаракат қиладилар. Бундай партиялар ҳукмрон партиялар ҳисобланиб, уларнинг фаолиятига қаршилик кўрсатган сиёсий ҳаракатлар тақиқланади. Бир партияли сиёсий системада жамият ҳаётида давлат ёки ҳукмрон сиёсий партия ҳал қилувчи омил сифатида фаолият кўрсатади.

Икки ёки кўп партияли системалар амал қилган жамиятнинг сиёсий ҳаётида демократик қоидалар устувор бўлади. Кўп партияли системаларда демократик сайловлар механизмига амал қилинса, бу

Демократик ўзгаришлар натижасида Ўзбекистонда ҳам кўп партияли системанинг вужудга келиши муҳим воқеадир. Бу жараён мамлакатимиз тараққиётида демократик кучлар фаолиятини, омманинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатапти. Булар Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда «Адолат» социал-демократик партиясидир. Эндиликда Ўзбекистоннинг сиёсий системасини уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Конституцияси ва бир қатор қонунларида мустақамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар илгари сураётган масалалар унинг ички ва ташқи сиёсати талабларига мосдир. Шунинг учун республикаимиз аҳолисининг кенг қатламлари бу партияларнинг фаолиятини қўллаб-қувватламоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг асосий сиёсий йўли

ларнинг устуворлигини таъминлаш зарур. Бу борада кейинги йилларда бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ фуқароларимиз ана шу имкониятдан тўлақонли фойдаланаяптими? Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишлар кўнгилдагидек дейишга асосимиз борми?

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг муҳим йўналишларидан бири шахснинг руҳиятини ўзгартиришдан иборат. Чунки кишилар онгида ўтмишда шаклланган эскича қараш, тасаввур ва тушунчаларни бартараф этмасдан туриб жамиятнинг ривожини тўла маънода таъминлаш мумкин эмас.

Шундай экан, мамлакатда янгича фикрлайдиган, ҳозирги давр талабларига тўла жавоб берадиган шахсларни тарбиялайдиган узлуксиз ишловчи механизмларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий партиялар ана шу механизмларни шакллантиришда олдинги сафда бўлишлари лозим.

Неъмат БЕКЖОНОВ,
ЎзМУ магистри

Хайрия фондлари молияси

Медицина саноатини ривожлантиришга кўмаклашув фонди замонавий фармацевтика саноатини яратилиши молиялаштиришга қаратилган. Ҳозирги кунда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи саноатнинг ишлаб чиқариш фондлари ҳам маънавий, ҳам жисмонан эскирган. Ушбу заводларни табиатни муҳофаза қилиш ускуналари ва қурилмалари билан таъминлаш учун катта маблағ талаб этилмоқда, чунки кимё-фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш экологик жиҳатдан зарарлидир.

Мазкур фонд маблағлари маълум тармоқ хусусиятига эга бўлса-да, уларни молиялаштириш манбалари турличадир. Фондга ҳар қандай фуқаро ва ихтиёрий муассаса улуш қўшиши мумкин. Ушбу фонд қошида хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхона, кичик корхона

налар ташкил этилиши мумкин.

Хайрия фондлари — фондларни ташкил этиш учун жалб этилган тушумлар (ажратмалар), пул маблағларининг шаклланиши ва хайрия мақсадларида ишлатилишида ихтиёрий хусусият касб этувчи молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос шаклидир.

Ушбу фондлар ўз фаолиятини ҳуқуқ-тартибот органларида рўйхатга олинган низом асосида ташкил этади. Низомда фондни ташкил этиш мақсади, фаолият юритишининг асосий тамойиллари, пул маблағлари тушишининг манбалари кўрсатилади. Хайрия фондлари даромадларининг асосий турлари махсус мақсадли фондларники каби бўлади.

Хайрия фондлари одатда юридик шахс сифатида фаолият юритади ва ўзини ўзи бошқарувчи субъект ҳисобланади.

Хайрия фондларини оператив бошқариш тўлов асосида ташкил эти-

ладиган оз сонли аппарат ёрдамида амалга оширилади.

«Соғлом авлод учун» фонди ўз ўзини бошқарувчи жамоатчилик органи бўлиб, у ёш авлоднинг соғлом ўсишини таъминлаш мақсадида тузилган. Фонд кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳар хил соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби тадбирларни амалга оширади.

«Соғлом авлод учун» фонди мустақил, нодавлат ташкилот ҳисобланади. Унинг шаклланиш манбаларига қуйидагилар киради:

- ихтиёрий бадаллар;
- инъомлар;
- корхоналар, фондлар, ижодий уюшмалар, жамоалар, алоҳида фуқароларнинг моддий ва маданий бойликлари, пул маблағлари ва кўчмас мулк кўринишидаги ажратмалари ва

бошқалар.

Мамлакатимизда хайрия фондлари энди ривожланаётир. Тараққиёт этган давлатларда эса улар бой тажрибага эга. АҚШда 50 мингдан ортиқ турли хайрия фондлари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги Форд, Рокфеллер, Карнеги ва бошқа шу каби фонд асосчиларининг номи билан аталади. Тадбиркорлар томонидан фондларга ажратилган маблағлар солиқлардан озод этилади.

Мазкур фондлар 50 йил муддатга ташкил этилади ва шу муддат ичида унинг маблағлари тегишли мақсадларга тўла сарфланиши лозим. Фондларга бундай ёндашув улар маблағларини ишлатиш учун ушбу муддатда тегишли объектлар тортишга мажбур қилади.

Акрам БЕЎДИНОВ,
Тошкент молия институтининг магистри



Таълим

? Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат институти – Жанубий Россия давлат иқтисодий ва сервис университети томонидан берилган диплом Ўзбекистонда тан олинадими?

Шухрат МАНСУРОВ,
Фаргона вилояти

? Қизим вилоят шифохоналаридан бирида ҳамшира бўлиб ишлайди. Шу билан бирга Тожикистон миллий университетидан сирдан таълим олади. Маълумки, Меҳнат кодексига ишга таълим билан кўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзлар кўзда тутилган. Навбатдаги ўқишга бораётган вақтда иш жойидан меҳнатга ҳақ тўланадиган таътил сўраб ариза билан мурожаат қилди. Бироқ кадрлар бўлими бошлиғи биз кўшни давлатда ўқийётганларга бундай таътил бермаймиз, ҳақ тўланмайдиган таътил сўрашингиз мумкин деб жавоб берибди. Бу жавоб қонунчилигимизга қанчалик мувофиқ келади?

Хайрулло АБДУЛХАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Денов тумани
Минора қишлоғи

! Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган дастурни рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда давлат ва нодавлат олий таълим тизими амал қилади. Мамлакатимизда аккредитациядан ўтган, фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида лицензияси мавжуд нодавлат таълим муассасасининг дипломи давлат таълим муассасасининг дипломига тенглаштирилган.

Фақат хорижий мамлакатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат белгиланган тартибда тан олинади ва нострификация қилинади, яъни эквивалентлиги қайд этилади.

! Ўзбекистон ҳукумати ва Тожикистон ҳукуматининг фан-техника ва ахборот соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувига биноан илмий кадрлар тайёраш бўйича шартлашиб олинган. Тарафларнинг шу йўналиш бўйича ўзаро мажбуриятлари мавжуд. МҚда назарда тутилган ўқув таътиллари ва у билан боғлиқ имтиёзлар Ўзбекистон ва Ўзбекистонда тан олинган давлат ва нодавлат ОУЮга тааллуқлидир.

Жамоа шартномалари

? Мен 2-гурӯх ногирониман. «Урганчтрансгаз» шўба корхонасига қарашли ўқув комбинатида етакчи муҳандис бўлиб ишлайман. Жамоа шартномасига кўра меҳнат таътилига чиқиш даврида етакчи муҳандисга 12 кун корхона ҳисобидан кўшиб берилиши керак. Мен ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгаманми?

Шокир БОТИРОВ,
Хоразм вилояти Хива тумани



! МКнинг 135-моддасига кўра ишлаётган 2-гурӯх ногиронларига ўттиз календар кун ҳисобида йиллик узайтирилган асосий таътил берилади. Бундан ташқари, айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат ва зифаларининг ўзига хос жиҳатларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллари берилади. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасида ҳам узайтирилган йиллик таътиллари бериш назарда тутилиши мумкин.

Жамоа шартномаси корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солишчи норматив ҳужжатдир. Унда назарда тутилган имтиёзлардан ҳар бир ходим фойдаланиши мумкин. Агар корхонангиз жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, касба уюшма кўмитасига мурожаат қилишингиз керак.

? Ёшим етганлиги муносабати билан пенсияга чиқдим. Иш жойимда тузилган жамоа шартномасига кўра ёши бўйича пенсияга чиқаётган ходимга энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Касабақўм менга шу муносабат билан қарор чиқариб, маъмуриятга тақдим этди. Бироқ раҳбар «бунга молиявий имкониятимиз йўқ» деб қарорни эътиборсиз қолдирди.

Айтинг-чи, жамоа шартномаси бўйича назарда тутилган моддий ёрдамни қандай қилиб оламан, уни ким тўлайди?
Саъдулла НАРЗИКУЛОВ,
Гулистон шаҳри

! Меҳнат кодексининг 34-моддаси 3-бандига кўра, иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар жамоа шартномаси, келишув ва мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун жавобгар бўладилар.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Қарор ва ижро Касаначилик – давр талаби

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилади. Масалан, «Раупхон», «Ўзбекэнерготашмир» ОАЖлар, «Ўзбекикуваавтоматика» МЧЖ, «Юнусобод теннис» ва «Ўзбекистон» ДТК корхоналари томонидан 14 та касаначилик иш ўрни яратилиб, 2945,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, кичик бизнес тоифасига кирувчи «Муҳаббат мақсуда», «Темур шоҳ нодир», «Миллениум авто», «Константин систем ИТ» хусу-

сий корхоналарида фаолият юритаётган 21 дан зиёд касаначи 10852,4 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бошқача айтганда, 2007 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот 1208,2 минг сўмга, уларга ҳисобланган иш ҳақи миқдори эса 1508,2 минг сўмга ошди.

Касаначилик — давр талаби. Бинобарин, 2009 йилда ҳам ушбу фаолият кенг қанот ёзади. Ўз ўзидан англашиладики, ушбу йўналишда иш юритаётган корхоналар солиқ бўйича маълум имтиёзлардан ҳам баҳраманд бўладилар.

Фарҳод ШОДМОНОВ,
Юнусобод туман Давлат солиқ инспекцияси Бош Давлат солиқ нозири

Намунали кўрсаткич

Шу йилнинг 1 июлида Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми, Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқариш орқали хизмат кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисидаги низоми, Корхоналарнинг бюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш, касана-

чиларга асбоб-ускуна ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низоми, шунингдек, Касаначиликнинг уйда ёки ўзига тегишли бошқа жойларда ишлаб чиқариш топширигини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланганди.

Ушбу низомилар асосида Миробод тумани солиқ инспекциясида 2008 йил 1 октябр ҳолатига кўра жами 7 та корхона томонидан касаначилар ишга жалб қилинган бўлиб, уларга 39.212.900 сўм иш ҳақи тўланган.

Касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси 2008 йилнинг 9 ойи давомида 180.655.400 сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 марта кўпдир.

М.ҲОШИМОВ,
Миробод тумани солиқ инспекцияси шўба бошлиғи

Нафс бандалари

пилган 21.844 флакон 5 ва 10 фоизли глюкоза эритмасини сотиш мақсадида омборхонада сақлаб келган. Аслида ушбу эритмалар «Истеъмол учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий мақсадлардаги буюмларни йўқ қилиш тартиби» асосида йўқ қилиниши керак эди.

Шунингдек, сақланиш ва яроқлилиқ муддати 2008 йил 22 апрелда туғган 72.504 сўмлик «Меиранидазол» субстанциясини «Река Мед Фарм» МЧЖга сотиш бўйича шу йилнинг 21 апрелида шартнома имзоланиб, сифат сертификатисиз бериб юборилган. Натижада «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонуннинг қатор талаблари кўпол равишда бузилган.

Бу кимсалар фаолият кўламини янада кенгайтириб давлатга ҳам зарар етказилган. Яъни 2007 йил учун кўшимча қиймат солиғи камайтириб кўрсатилиши оқибатида давлат бюджетига 29 млн. 611 минг сўм, ягона солиқ тўлови бўйича эса 243 минг 200 сўм маблағ тўланмаган.

Ажабланарлиси, «Универсал Фарм» ЁАЖ фаолияти давомида ҳосил бўлган 62 млн. 288 минг сўмлик муддати ўтган қарзларни ундириш чоралари кўрилмаган.

Омбор мудури И.Умаров бир вақтнинг ўзига дори савдоси билан шуғулланмайдиган «Bio Farm» хусусий фирмасини бошқариб, бу ерда ҳам кўпгаб қонунбузарликларга йўл қўйган. Масалан, 12 млн. 695 минг сўмлик дориларни нақд пулга сотиб, тушган маблағни кирим қилмасдан ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Солиқ идораларига эса қалбаки ҳужжатларни тақдим этиб келган. Бундан ташқари, «Bio Farm» хусусий фирмага қарашли бинонинг бир нечта хонасини ижарага бериб, 1 млн. 843 минг 340 сўм ижара ҳақини ҳам тегишли ҳужжатларда акс эттирмасдан, солиқ идораларидан яширган.

Халқимизда қинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади деган наҳл бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилган текширувлар натижасида юқоридики қайд этилган қонунбузилишлар фош этилди. Айбдорлар қилмишига яраша жазосини олди.

Аброр САЙЁТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокурор ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси

ОЗБЕКИСТОН

Table with columns for channel names (e.g., OZBEKISTON, TOSHKENT) and program titles with their respective times.

Пайшанба 1 январь

Table listing programs for Friday, January 1st, including channels like OZBEKISTON, TOSHKENT, TV-MARKAZ, and others.

Жума 2 январь


Table listing programs for Friday, January 2nd, including channels like OZBEKISTON, TOSHKENT, TV-MARKAZ, and others.

ОЗБЕКИСТОН

Table with columns for channel names (e.g., OZBEKISTON, TOSHKENT) and program titles with their respective times.

Пайшанба 2 январь


Table listing programs for Saturday, January 2nd, including channels like OZBEKISTON, TOSHKENT, TV-MARKAZ, and others.



2008 йил 25 декабрь 10

№ 153 (2566)


**«Турон санаторийси» очик
тураати акциядорлик
жамияти маъмурияти ва
касба уюшма кўмитаси**



Мамлакатимиз халқини кириб
келаётган Янги йил билан
муборакбод этади.

Ушбу йилда барчамизга
шижоат, бунёдкорлик
қўшқанот бўлсин.

Санаториймиз қувончли
кунларингизда Сизга хизмат
қилишга ҳамisha тайёр!




Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

*Кириб келаятган Янги йилда
соғса ходимлари ва барга
юртдошларимизга омад тилайди.*

*Дилла пурилган эзу ниъматлар
ўз нажобатини топсин.*

*Кўнилларимизни меҳрду
муҳаббат, самимият ҳар қадон
шарқ этемасин!*



Касаба уюшма йўлланмаси бўйича Болгарияга борганимизда, киздирилган тошлар ва ялтираб турган чўғлар устида юриш маросимини кўриб, ҳайратга тушганмиз. Кейин билсак, бу одат Ҳиндистон, Испания, Африка, шунингдек, Тинч океанидаги Фижи оролларида ҳам кенг тарқалган экан. Бироқ бу одатнинг сири маълум эмас.



қулоққа чалинади. Бу эса асосий рақс ҳаракатларининг бошланишига даъват: довиорак азаматлар кўл ушлашиб, қизиган тошлар устида шундай рақсга тушадиларки, томошабинларнинг юраги орқага тортиб кетгандай туюлади.

Рақс ниҳоясига етгандан кейин тошларга экзотик ўсимликларнинг барглари

оғриқ ёки куйишни сезишмайди».

Бироқ оғриқсизлантирадиган восита фақат маълум пайтгача оғриқни сездирмасликка қодир бўлиб, инсон терисини куйишдан ҳимоя қила олмайди. Устига устак, раққослар нафақат қизиқ турган тошлар устида юришади, балки уларнинг устига ётишади ҳам. Айримлари эса ҳатто ёнаётган ёғочларни тишлаб, бўлакларини узиб ҳам олишади.

Тошларнинг ҳарорати Целсий бўйича 330 даражача етиб боради. Қизиғи шундаки,

Маросим пайтида довиорак азаматнинг томир тизими «қисилади», бу эса қон алмашинувини қисқартиришга ва барадикининг моддасининг фаоллигини сўндиришга олиб келади. Мазкур модданинг етишмаслиги инсонни ташқи кўзгатувчиларга нисбатан анча кам сезувчан қилиб қўяди.

Таникли немис физиги Макс Планк номидаги плазма физикаси институти ходими Фридберг Каргер эса доктор Кейн келтирган далилларни тўлиғича ишончли деб ҳисоблайди. У 1974 йили Мабинга оролига

даражага етди. Оролик раққосларнинг товонлари эса айна чоғда мутлақо зарар кўрмади. Шунингдек, рақс пайтида уларнинг ҳарорати 83 даражадан ошмади.

Маросим ниҳоясига етган заҳоти Каргер қизиган тошлардан бирининг устига маҳаллий раққос оёғининг кафтидан кесиб олинган қаттиқ тери бўлакчасини қўйганда, тери бўлаги дарҳол куйиб, қоп-қора кўмирга айланди. Шундан сўнг олим чўғлар устида юриш ҳодисасини фан нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин эмаслигини тан олди.

Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади

Замондош олимлар чўғлар устида юриш ҳодисасини тадқиқ қилиб, ягона хулосага келдилар: маҳаллий халқ маросим бошланиши олтидан амал қиладиган ўзини-ўзи гипноз ҳолатига тушириш маҳалида бош мианинг чап ярим шари ташқи кўзгатувчиларни қабул қилмайдиган бўлиб қолади ва кўрқувни енгади.

Бунга эришиш учун чўғ устидан юрувчи киши қаторасига бир неча соат сабр-тоқат билан «оғрмайди», «қуймайди», «хаммаси яхши бўлади, кўрқмайман» каби сўзларни такрорлайди. Пировардида эса бу тушунчаларни вужудига сингдиради. Раққос айна паллада турли манзараларни ҳам ҳаёлан тасаввур этади: салқин ҳаво, тезоқар тоғ жилғаси, унда кечиб юриш лаззати...

Кимки бу санъатни эгаллай олмаса, бундай киши чўғлар устида юра олмайди, оёқларининг кафтларини куйдириб олади. Бунга шахсан ўзимиз ҳам Болгария бўйлаб сафар чоғида қатъий ишонч ҳосил қилганмиз.

Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД,
«Ishonch» муҳбири

Ҳамма рақсга тушади

Фижи ороллари таркибига кирувчи Мабинга ороли аҳолиси диаметри бир неча қулоч келадиган майдончани тозалаб, футбол тўпи шаклидаги тошлар билан тўлдирди, устидан ўтин ва шох-шабба қалаб, уларни ёқади. Гулхан туни билан гувиллаб ёнади.

Қизиган тошлар бўлакларга бўлиниб, совун кўлиги сингари порсиллаб ёрилгандан сўнг, қулоқни батанг қилувчи сигнал янграйди. Демак, раққослар қизиқ турган тошлардан ясалган майдонча сахнасига чиқишлари керак.

Маросим қатнашчилари беғоналар кириши ман этилган узоқ кулда бутун кечани ўтказадилар ва «олов жинлари» билан бамайлихотир суҳбат қурадилар. Чиқишга таклиф бўлгандан кейин қатнашчилар турли ўсимликларнинг барра баргларида тайёрланган махсус кийимларга ўраниб олишади, муқаддас мадҳия сўзларини такрорлайдилар. Бирмунча фурсатдан сўнг қабиладошлар киздирилган тошлар устига яшил барглари ташлашади. Теваракатрофни қалин тутун қоплайди. Кўққисдан илоннинг вишил-лашига ўхшаш товушлар

Чўғ устидаги рақс

ва меваларидан тайёрланган алоҳида суюқлик сепилади. Устига тупроқ тортиб қўйилади. Майдонча навбатдаги маросимга қадар шундай ҳолатда сақланади.

Ҳақиқат қаерда?

Америкалик олим Роберт Макмиллан чўғлар устида юриш ҳодисасини узоқ йиллар давомида чуқур ўрганди. У бу жумбоқ ечимни туб аҳоли фойдаланадиган тошларга бевосита боғлиқ деган хулоса чикарди. Олимнинг фикрича, раққослар фақат иссиқликни ичида сақлаб қоладиган, сирти эса тезда совийдиган махсус тошлар устида юришади. Бироқ текшириб кўрилганда бу тахминнинг асосизлиги маълум бўлди.

Макмилландан кейин Австралияда чоп этиладиган «Уокбаут» журналида кўйидаги маълумотлар эълон қилинди: «Маҳаллий халқ қизитилган тошлар устига чиқишдан аввал ўз кафтларига кучли таъсир қилувчи ва оғриқсизлантирадиган суюқликни суртишади, шу боис

айни пайтда уларнинг товонлари куйиб, кадобга айланиб қолмайди.

Англиялик физик олим Гарри Прайсон: «Одамлар киздирилган тошлар устида шу қадар тез ва чакқон юриб ҳаракат қиладиларки, чўғ тафтини ва куйишни сезишга улгурмай қолишади. Бироқ айрим қабиладарнинг вакиллари нафақат тошлар устида бир неча дақиқа давомида рақсга тушадилар, балки битта тош устида анча вақтгача туриб ҳам бера олишади», — дейди.

Таникли антрополог Стивен Кейннинг таъкидлашича, чўғ устида юришлар асабий ва кўзгатувчи жараёнларни идора қилувчи куч ғалабасини онга сингдиришнинг классик мисолидир. Мутахассиснинг фикрига қараганда, маросим қатнашчилари соатлаб медитация ва ўзини ўзи гипноз қилиш натижасида ўзларини олов устида юришга чоғлашади. Шу туфайли куйиш ва оғриқни ҳис этишмайди.

келиб, маросимни кузатди ва бу ҳодисани физика фани нуқтаи назаридан чуқур ўрганди.

Доктор Каргер тажрибаси

Авалло, доктор Каргер ва унинг шифокорлардан иборат ёрдамчилари гуруҳи раққосларнинг хатти-ҳаракатини синчиклаб ўрганди. Раққослар эса эрталаб санъатини намойиш қилишлари лозим эди.

Бироқ уларнинг товонлари териси қатламларида ҳеч қандай ўзгаришлар қайд этилмади. Ўт устида юрувчиларнинг жўшқинлигига тиббиётчилар ҳам қўйил қолишди.

Маросим бошланиши олтидан Каргер раққосларнинг товонларига ҳарорат маълум даражага етганда рангини ўзгарирадиган бўёқни суртиб чиқди. Физик олим мана шу тажриба туфайли ақл бовар қилмайдиган ҳолатни аниқлади — маҳаллий халқ устига чиқиб, рақсга тушадиган тошларнинг ҳарорати Целсий бўйича 330

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимлари ва барча фуқароларни Янги йил байрами билан чин дилдан табриклайди ва ушбу ояҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади.

Санаторий иқлимий ва бальнеологик курорт. У Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликда, Бухоро шаҳрининг чеккасида, Бухоро амирининг собиқ қароргоҳи ҳудудидаги сўлим маскандда жойлашган.

Даволаш омиллари: иқлим ва сульфат-хлорид натрийли сув. Буйрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм қилиш аъзолари касалликлари учун жуда фойдали.

Бу ердаги замонавий ташхислаш ва даволаш хоналари, физиотерапия, лазеротерапия балчиқ билан даволаш, жисмоний тарбия, уқалаш, фитобар ва парҳезли овқатлантириш боғлиқингизни тиклаш мақсадларига хизмат қилади.

Ётоқ бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат. Мўъжаз ошхона, клуб, спорт майдончалари, кутубхона, музей, бассейн ва сауна Сизнинг хизматингизда. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштириш имконияти бор.

Шифо масканимизга марҳабо!

Манзилимиз: Бухоро шаҳри «Ситораи Моҳи Хоса санаторийси» МЧЖ
Телефон: 8(365) 2285066, 2285026



Касаба уюшма тадбири

Республикада спортнинг оммавийлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган мусобақалар сирасига ҳеч иккиланмай **Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши кубоги учун ўтадиган мини футбол турнирини ҳам қўшиш мумкин.** 2001 йилда илк бор Тошкент шаҳри минтақасида **голибларни аниқлаган мусобақа 2002 йилда Республика миқёсида ўта бошлади.**

Алоқачилар шиддати



Ҳозирга қадар «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» жамоаси тўрт маротаба, АТ «Пахтабанк», ТАТУ, «Фаргона-телеком» жамоалари бир мартадан кубок соҳиби бўлишганди.

Жорий йилги турнирнинг сифати ва ташкилий жиҳатларида ўзгаришлар бўлди. Яъни, дастлаб вилоятларда сараланган энг

кучли жамоалар «Шарқий», «Фарбий» ва «Тошкент» минтақаларида навбатдаги чигириқдан ўтишди.

Август ойида Фарғонада ўтган «Шарқий» гуруҳда «Ўзбектелеком» АК нинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоят филиаллари ўзаро беллашиб, яқунда «Намангантелеком», «Фаргонателеком», «Тошкенттелеком» жамоалари финалга чиқди.

Қарши шаҳрида ташкил этилган «Фарбий» минтақада эса «Ўзбектелеком» АК нинг «Қорақалпоқтелеком» филиали, Бухоро вилоят шаҳарлараро магистрал алоқа тармоғи боғламаси, «Матбуот тарқатувчи» АК нинг Қашқадарё вилоят шўъба корхонаси, Навоий Алоқабанк филиали, «Электромагнит мослашув маркази»нинг Сурхондарё вилоят филиали жамоалари иштирок этдилар. Бу гуруҳда «Қорақалпоқтелеком», Қашқадарё матбуот тарқатувчи ШК, Бухоро ШМАТБ жамоалари кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Тошкент шаҳри гуруҳида пойтахтда жойлашган 18 та алоқа корхона, ташкилот ва муассаса жамоалари учта гуруҳга бўлиниб, олтита йўлланма тақдирини ҳал қилишди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи (ТШТТ), Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ), Шаҳарлараро алоқа корхонаси (ШАК), Давлат фельдгерлик хизмати (ДФХ), Алоқабанк, Билайн жамоалари финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

20-22 декабр кунлари пойтахтимиздаги ЎЗМУ спорт мажмуасида ўтган финал баҳслари кескин курашларга бой тарзда ўтди. 12 та жамоа тўрт гуруҳда чорак финал «чиптаси» учун кураш олиб борди.

Чорак финал: ШАК-ТАТУ — 1:0, Тошкенттелеком-Намангантелеком — 0:3, ТШТТ-Алоқабанк — 3:3, 4:2, (пен.), Билайн-Қорақалпоқтелеком — 8:1.

Ярим финал: ШАК-Намангантелеком — 6:3, ТШТТ-Билайн — 4:1.

Финал: ШАК-ТШТТ — 4:0.

Мусобаканинг ўтган йилги финалида ҳам шаҳарлараро алоқа корхонаси ва Тошкент шаҳар телефон тармоғи жамоалари рўбарў келишган ва асосий вақт 1:1 ҳисобида яқунланиб, пеналтилар сериясида 5:4 натижаси билан ТШТТ голиб чиққанди.

Бу йил ШАК футболчилари реванш олишга муваффақ бўлди ва илк бор кубок ҳамда олтин медалга эришди.

Совринли ўрин ўрин соҳибларига ҳамда қатор номинация голибларига диплом ва совғалар топширилди.

— Жамоамиз уч йилдан бери мазкур мусобақада қатнашди, — дейди ШАК филиали директори Абдувоҳид Жўрабоев. — Ўтган йили иккинчи, бу йил эса голибликни қўлга киритдик. Мухими юқори ўринлар эмас. Балки, барча ходимларни спортга жалб этиб, саломатлигини яхшилаш. Бу йилда уларни доимий равишда қўллаб-қувватлашга тайёرمиз.



Икром ХАСАНОВ олин суратлар

Жўғрофия кенгаймоқда

Фудокан-каратэ-до



1993 йил Михаил Дегтярев томонидан мамлакатимизга кириб келган фудокан-каратэ-до бўйича бугун Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимизда федерациялар фаолият юритмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўшбу спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Биз Самарқанд вилоят фудокан-каратэ-до федерацияси бош мураббийи, тажрибали мутахасис Бахтиёр Ҳакимовнинг фикрлари билан кизикдик.

— Бу бир неча бор мамлакат чемпиони бўлган фудокан устаси Шухрат Анваров рес-

публика федерациясига президент қилиб сайлангандан сўнг ўтаётган биринчи расмий мусобақа. Иштирокчилар сонидан ўсиш кузатилди, жўғрофия кенгайди.

Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва шаҳри спорт-

чилари қўлга киритган медаллар салмоқли бўлди. Бизнинг Самарқанд вилоятидан эса Мафтуна Бахтиёрова, Мўмина Қулиева, Ширингул Абдурахмонова, Даврон Раҳматов, Аъзам Турсункулов, Ҳотам Актамов ўз вазн тоифаларида голиб чиқишди.

Белбоғли кураш

Гиламда — ўсмирлар

Москва шаҳрида ташкил этилган белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионатида дунёнинг 23 мамлакатидан 200 нафардан зиёд полвонлар гиламга чиқди.

Вакилларимиздан 60 кг. вазн тоифасида курашган Акмал Нурматов эркин йўналишда барча рақибларини ҳалол йиқитиб, финалгача етиб борди ва ҳал қилувчи олишувда майдон эгалари полвони Тагир Шакировни мағлуб этди.

90 кг. вазнда классик йўналишда бел олишган Муҳиддин Абдулахатов эса россиялик Георгий Шонияга имкониятни бой бериб, жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан кифояланди.

Шунингдек, Фурқат Авлаев, Исломжон Йўлдошев, Ибодулла Улуғхонов, Бобурмирза Мўйдинов, Улуғбек Умаров, қизларимиздан Э м и р а Ю н у с о в а беллашувларни бронза медали билан яқунлашди.



Ўзбекистон белбоғли кураш феде-

рацияси президенти Рустам Исоқов чемпионат яқунлари юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди:

— Полвонларимиз техник маҳорати бошқалардан ҳатто бир поғона баланд. Жуда чиройли усулларни қўллашди. Аммо тактик томондан камчиликлар бор, халқаро тажрибамиз етарли эмас. Шунинг ҳисобига ҳал қилувчи баҳсларда имкониятни бой беришди.

Чемпион полвонимиз Акмал Республика Олимпия захиралари коллежида ўқийди. Устози Усмон Маҳаматов.

Муҳиддин эса Фарғона Олимпия захиралари коллежи талабаси. Мураббийи — Иқбол Мамажонов. Нафақат бу икки курашчимиз, балки Москвага борган барча полвонларимизнинг келажаги порлоқ.

Дарвоқе, яқинда Осиё белбоғли кураш федерацияси президенти Халил Аҳмад Хондан Ўзбекистон федерациясига мактуб келди. Унда 2009 йил 25 апрел-3 май кунлари Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтадиган Яккакураш турлари бўйича биринчи Осиё ўйинлари дастурига белбоғли кураш ҳам киритилганлиги маълум қилинган.

Футбол

Мессининг эътирофи

Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» клуби ҳужумчиси Леонил Мессининг юртимизга ташрифи ҳақида хабар бергандик. Футболчи душанба кuni пойтахтимизга келди ва уни ЎФФ президенти Мираброр Усмонов қабул қилди.

Ўзаро суҳбатдан сўнг ЎФФ раҳбари меҳмонга Федерация музейини кўрсатди ва қисқача ўзбек футболнинг тарихи ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, мохир футболчи «Чигатой» стадионида мастер-класс намойиш этди, «Бунёдкор» футбол клуби тарбияланувчилари билан майдонда тўп тебди.

Соат 17:00 да эса «Интерконтинентал» меҳмонхонасида аргентиналик юлдуз билан матбуот анжумани ташкил этилди.

— Аввало, мени Ўзбекистонга таклиф этиб, шу қадар

илиқ кутиб олишгандан гоят хурсандман. 2003 йилги ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати баҳсларида Ўзбекистон терма жамоасининг Аргентинага қарши ўйнагани ҳамон ёдимда. Ушанда ўзбекистонлик футболчилар мазмунли ўйинлари билан менда илиқ таассурот қолдиришган.

Тошкентга илк маротаба келишим ва менга бу ер жуда ёқди. Халқингиз ажойиб ва меҳмондўст экан. Ташрифимдан асосий мақсад — Ўзбекистонда футболни янада оммалаштириш. Бугунги мастер-класс давомида



бир қатор истеъдодли ёшларга эътиборим тушди. Ўйлайманки, агар улар тўғри тарбияланса, истеъдодлари янада чархланади, — деди Марадоннинг юртдоши ўз фикрлари билан ўртоқлашиб.

Зиёкорлар баҳси



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши томонидан соҳада меҳнат қилаётган зиёкорлар ўртасида Ёшлар йилига бағишланган спартакиада бўлиб ўтди. 35 ёшгача бўлган таълим ходимлари волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва арқон тортиш баҳсларида қизгин беллашди.

Яқунда стол тенниси бўйича Элбек Шураев (128-мактаб), Лилия Асанова (178-мактаб), шахмат баҳсида Умид Бозоров (131-мактаб), Х.Меҳмононова (173-мактаб), шашкада эса Ваҳоб Йўлдошев (202-мактаб), Махфуза Собирова (181-мактаб) голиб бўлди.

Шўролар даврининг энг шов-шувли воқеаларидан бири — Никита Сергеевич Хрущёв хотираларининг Фарбда чоп этилишидир. У 1953 — 1964-йилларда КПСС Марказий кўмитасининг биринчи котиби, 1958 йилдан бир пайтнинг ўзида Министрлар Советининг раиси ҳам бўлган. «Аргументы и факты» газетасининг тахририяти шу пайтгача махфий бўлган ҳужжатлар билан танишиб, бу можаро тафсилотига бир қадар ойдинлик киритгандай бўлди.

Барча партия ва давлат лавозимларидан четлаштирилган, қаттиқ назорат остида яшаган Никита Сергеевич ҳам, энди маълум бўлдики, анойилардан эмас экан.

1964 йили истеъфога чиқарилган Хрущёв узоқ иккилашлардан кейин хотира ёзишга қарор қилади. Бундан асосий мақсад — ҳокимият тепасида турганида нега иши юришмаганлиги, нега ундан омад юз ўнгирганини изоҳлаш эди. Бўлғуси китоб матнини у бир неча ой мобайнида магнитофон тасмасига ёздирган. 1968 йили, иш ниҳоясига етиб қолганда унда мазкур ҳужжатлар (тасма, оққа кўчирилган матн ва х.) КГБ қўлига тушиб қолмаслиги учун нима қилиш керак деган савол туғилади.

Хрущёвга ўғли Сергей Никитич ёрдам қўлини чўзади. У мазкур қўлёзмани чет элга жўнатишни таклиф этади ҳамда бу ишни уддалай оладиган кимсани қидира бошлайди.

Хрущёвлар қандай ишга жазм этишадиганини тушунишганимикин? Албатта! Келинг, архив ҳужжатларига мурожаат этайлик.

Хрущёвнинг ўғли хотираларидан:



«1968 йилнинг апрел ойида, дам олиш куни мен одатдагидек Петрово-Дальнеега келдим. Ойимнинг айтишича, даданинг авзойи бузуқ экан. Кунни кеча уни КПСС Сийёсий бюроси аъзоси Кириленко Марказкўмга чақириб, хотира ёзишни тўхтатишни, ёзганларини топширишни талаб қилибди. Отам жиғибирон бўлиб роса бақирибди. Жанжал чиқибди».

Н.Хрущёв ҳикоясидан:

«Оғзимга келганини қайтармай, улар ҳақида нима ўйлаган бўлсам, барчасини айтиб ташладим. Конституцияга хилоф равишда улар дачани эшитувчи мосламаларга тўлдириб ташлашибди. Ҳатто ҳожатхоналарга «қулоқ» бор! Халқ пешона тери билан топган пулни нимага сарфлашарди бу муттаҳамлар!».

Микрофонлардан холи жойларда айланиб юрганимизда, отам яна ўша масалага қайтди: «Улар тинч ўтиришмайди. Барча ёзганларимни йиғиштириб олиб, йўқ қилишади».

Тасмаларни сақлаш, улардаги ёзувларни мамлакатда нашр этишдан умид йўқ. Биз уларни чет элда сақлаш керак деган хулосага келдик. Кутилмаган вазият юзага келса, жа-

воб тариқасида хотираларни чоп этиришга тўғри келади. Уларни сақлаб қолишнинг бошқа иложи йўқ.

Март ойи эшик қоқиб турарди. Хотиралар нусхасини хорижга чиқариш йўлидаги дастлабки уринишларим зое кетмади.

1967 йилдаёқ мени Виталий Евгеньевич Луи билан таништириб қўйишди. Сталин замонларида арзимаган сийёсий айблов билан 10 йил қамоқда ўтирган Луи ХХ съезддан кейин озодликка чиқиб, ҳаётини қайтадан бошлашга қарор қилади. У инглиз газеталаридан бирининг Москвадаги мухбири бўлиб ишга кирилади. Бу унга ҳар хил идораларга кириш-чиқиш, мулоқотда бўлиш борасида оддий совет фуқароларига нисбатан кўпроқ имконият берган. Москвада хизмат қиладиган инглиз аёлига уйланиб олгач, ошиғи янада олчи бўлган. Инглизлар хизматида

ати келса ўзимизда ҳам чоп этилар. Аксинча бўлганда-ку, айна мударра эди.

Кириленко хузурида юз берган можародан сал кейинроқ музокара олиб бориш учун Луи хузурига, Ваковкага йўл олдим. Орадан 3-4 кун ўтгач, Луига муҳланган қўтичада магнитофон тасмаларини келтириб бердим. У чет элга кетиб, бир ойдан кейин қайтиб келди: «Ҳаммаси жойида. Тасмалар... банк сейфи-га жойланди. Энди у ерга ҳеч кимнинг қўли етмайди».

Яна бир бор Петрово-Дальнеега келганимда барча гапни отамга оқизмай-томизмай етказдим. Отам маъқул дегандек бош силкиб қўйди. Шундан сўнг, тайёр бўлишига қараб хотиралар бобма-боб чет элгаги сейфга жўнатила бошланди.

Орадан кўп ўтмай, отам хотираларини яна чет элда эълон қиладиган инглиз аёлига қайтди: «Воситачининг китоб нашрини

олиб келганимда, бу шляпаларнинг бежиримлигини ҳаммининг оғзи очилиб қолди.

Отамга гап нимадалигини айтиб бердим. У хузур қилиб қулди. Ҳийла унга маъқул бўлганди. Сайрдан қайтгач, бу ўйинга ўзи қўшилишни хоҳлаб, уй қаршидаги оромкур-сига ўтириб олди-да:

— Қани, матоҳингни олиб кел, мен бир кийиб кўрай-чи, — деди. Ойим кўрқиб кетди. Отам шляпани кийиб:

— Суратга ол-чи, бирор нарсага ўхшармикин! — деди.

У шу ҳолда суратга тушди — бир шляпа бошида, иккинчиси қўлида.

Америкалик ноширлар суратни қўлга олгач, бу ишда



ЖАВОБ

ёки хуфёна уч

бўлишга рухсат бериш эвазига хавфсизлик хизмати ундан у-бу ишларни бажаришни талаб этган.

Луи мамлакатимиз билан хорижнинг ваколатли шахслари ўртасида норасмий алоқа-чи вазифасини бажарган. У борган сари юксак даражадаги нозик топшириқларни адо этиб, ҳатто давлат раҳбарлари билан ҳам мулоқотга киришган.

Луи билан танишган пайтларимда у Светлана Аллилуеванинг «Дустимга йиғирма мактуб» китоби устида «ишлаётган» эди.

Китобни сотувга чиқариш октябр ойига, совет ҳокимиятининг 50 йиллиги тантаналарига мўлжалланаётган эди. Ушанда Виталий Евгеньевич Кремлни ташвишга солиши мумкин бўлган айрим саҳифаларни қўлёзмадан олиб ташлашни таклиф этди. Рози бўлишди. Светланадининг фарзандлари қўлида сақланаётган қўлёзма нусхасини унга келтириб беришди. 1967 йилнинг ёзида нашрдан чиққан китоб қутулган даражада шов-шувларга сабаб бўлмади. Совет ҳукуматига айнан шу керак эди. Луининг обрўи янада ошди.

Фаолиятининг мана шу нозик томонларидан воқиф бўлгач, отамнинг хотираларини чет элда сақлашга ёрдам бериши мумкин бўлган ягона одам Луи эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Мендан фарқли ўларок, отам анча журъатли.

Марказкўм биринчи котибининг хотираларига халққа етиб бориши керак деб ҳисобларди. Аввал чет элда бўлса ҳам майли, вақти-со-

чўзмаслик ҳақидаги фикрида жон борга ўхшайди. Вазият ўзгариб, мен ва сен тугул, у ҳам сейфга яқинлаша олмаслиги мумкин. Воситачи билан гаплаш».

Навбатдаги учрашувимизда кўнглимизда Луи отамнинг илтимоси сифатида етказганимда, мўмай пул ишлаш иштиёқида у хурсанд бўлиб кетди.

— Асосийси, зарбани ўзимизга олмаслик! — деди у. — Кимдир бизга ҳомийлик қилиши керак. Бўпти, мен гаплашиб кўраман...

Кейинги воқеалар тафсилоти менга қоронғи. Луининг гапларидан англашимча, у бирдан «баланд дор»га осилган. Уша пайтлари у КГБ раиси бўлиб ишлаган Юрий Андропов билан яқин муносабатда бўлган. Улар тез-тез норасмий шароитда, гўё тасодифан танишлари хонадонидида учрашиб туришган. Шундай учрашувларнинг бирида Луи таваккал қилиб, Андроповга отамнинг хотиралари ҳақида қарийб бор гапни баён этади. КГБ раиси Луининг гапларини маъқулловчи оҳангда бош силкиб охиригача эшитади.

Магнит тасмасидаги ёзувларни эшитишни хоҳлайсизми деган саволга у қилиб «Йўқ» деб жавоб беради. Уша кундан эътиборан, ёрдамга ишонмасак-да, биз КГБнинг бетараф қолишига умид қила бошладик.

Бу антиқа воқеани эслаб қолинг, биз ҳали унга қайтамыз.

Хотираларни Американинг «Литтл, Браун энд Компани» нашриётида чоп этиш режалаштирилди. Музокара учун америкаликлар Копенгагенни танлашди. Ноширлар қўлёзманинг аслият эканлигига шубҳаланишаётганди. Қандай қилиб материалнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш масаласи пайдо бўлди. Фотосуратларга мурожаат қиладиган бўлишди. Венадан отамга иккита — оч-қизил ҳамда қора шляпа юбориб, шу шляпаларда суратга тушишни сўрашди. Мен Петрово-Дальнеега

фирромлик йўқлигига ишондилар.

Қўлёзмани нашрга тайёрлаш у пайтлар Оксфорд университетининг ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган талабаси Струуб Тэлботтга (Клинтон маъмуриятида Давлат котиби муовини лавозимида ишлаган, Россия бўйича мутахассис) топширилди. У боши билан ишга шўнғиб кетди. Мухаррирнинг тирикчилик ташвишларини унинг ётоқдош қўшнисини Билл — АҚШнинг бўлғуси президенти Клинтон ўз зиммасига олди.

1974 йилнинг январидида Луи қалин муқовасига отамнинг қилиб турган сурати туширилган, қизил зарҳал харфлар билан «Хрущёв хотиралари» деб ёзилган китобини олиб келди.

Аммо унча Хрущёвни Марказкўмга чақириб, қийин-қистовга олиб бўлишган, у қуладиган аҳволда эмасди. 1970 йил 10 ноябрда Фарбда китоби нашр этилиши муносабати билан Н.Хрущёв билан Партия назорати кўмитасида бўлиб ўтган суҳбат стенограммасига эътибор беринг.

КПСС Марказий кўмитаси Сийёсий бюроси аъзоси, КПСС қошидаги партия назорати кўмитаси раиси А.Пелше:

«Партияимиз ва мамлакатимизга катта зиён етказиши мумкин бўлган хотираларингизга изоҳ бериш учун биз сизни бу ерга таклиф этдик. Хотираларингизни нашр этиш учун кимга юборганингизни балки ўзингиз айтиб берарсиз?».

Н.Хрущёв: «Мен ҳеч кимга материал бермаганман».

А.Пелше: «Унда улар қандай қилиб хорижликлар қўлига тушиб қолди?».

Н.Хрущёв: «Сиз менга айтиб беринг хотиралар қандай қилиб хорижликлар қўлига тушиб қолганини. Мен ҳеч кимга ҳеч қандай қўлёзма бермаганман, бермаганман ҳам. Айтиб ёздирганларимнинг ҳаммаси беш қўлдай ёдимда. Ҳозир барча гапни оммага олиб чиқадиган замон эмас».

А.Пелше: «Баён қилган сирларингиз чет элликлар қўлига тушиб қолиши мумкинлиги ҳақида сизни огоҳлантирган эдик-ку, маслаҳатимизга қулоқ солмадингиз?».

Н.Хрущёв: «Йўқ, бунақаси кетмайди. Марҳамат, мени қамоққа олинг, отиб ташланг, тўйиб кетдим. Мен ҳалол, садоқатли одамман. Зора бу ерга чорловингиз ўлимимни тезлаштирсин...».

А.Пелше: «Хўш, унда нима қил дейсиз?».

Н.Хрущёв: «Билмайман. Сиз айбдорсиз, бутун раҳбариятингиз айбдор. Балки бу буржуазия матбуотининг галамислигидир. Менинг исм-фамилиям яхшигина шов-шувларга сабаб бўлиши мумкин. Атай шундай қилишгандир».

Суҳбат шу билан якун топадики, Хрущёв чет эл матбуоти учун қуйидаги мазмунда баёнот берадиган бўлади:

«Америка Кўшма Штатлари ва айрим капиталистик мамлакатлар матбуоти хабарларидан маълум бўлишича, Н.Хрущёвнинг хотиралари нашрга тайёрланаётган эмиш. Бу гирт ёлгон, мен бу хабарни қатъиян рад этаман. Ҳеч қандай хотира ёки хотирага ўхшаган асаримни ҳеч кимга бермаганман. Бу гапларнинг барчаси гирт ёлгонлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бундай галамисликларни сотқин буржуа матбуоти биринчи марта қилаётгани йўқ.»

Н.Хрущёв. 10.11.1970».

Ҳақиқат қарерда-ю ёлгон қарерда — бу ёғини зийрак газетхоннинг ўзи ажратиб олар.

Энди юқорида эслатганимиз, Андропов билан боғлиқ ҳодисага қайтайлик. Сергей Хрущёв отасига дахлдор ишда Андроповнинг нега бундай йўл тутганини ҳалигача тушунолмади. Мантиққа кўра, Хрущёв хотиралари чет элда нашр этилаётганидан хабардор бўлгани учун у душман «галамислигига» йўл қўймаслиги керак эди. Аммо бундай қилмади. Хрущёв китоби Фарбда пайдо бўлиши билан у Сийёсий бюрога мактуб йўллади:

«Сўнги пайтларда Н.Хрущёв маъсул партия ва давлат лавозимларини эгаллаган йиллар билан боғлиқ фаолияти ҳақидаги хотиралар китоби устида қизгин иш бошлаб юборди. Айтиб ёздирилган хотираларда мутлақо партия ва давлат аҳамиятига молик сирлар, дейлик совет давлатининг мудофаа қудрати, саноят ривожини, қишлоқ хўжалигини, илмий-техникавий ютуқлари, хавфсизлик идоралари фаолияти, КПСС ва қардош социалистик ҳамда капиталистик мамлакатлар партиялари ҳамкорлигига доир мутлақо махфий маълумотлар баён этилади.»

КПСС МҚнинг ёпиқ мажлисида масалалар кўрилиши тажрибаси ошкор этилади. Вазиятдан келиб чиқиб, Н.Хрущёв хотиралари устида иш олиб боришни қаттиқ назорат қилиш учун шошилинч чоралар кўриш, партия ва давлат сирларининг хорижга чиқиб кетишидан уни огоҳлантириб қўйиш зарур. Шу муносабат билан Н.Хрущёв ва унинг ўғли устидан хуфёна назорат ўрнатишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.»


— Магнитофондаги материаллар чет элга берилишини у олдиндан биларди-ку. Нега бирдан ўзгариб қолди? — дейди ажабланиб Сергей Хрущёв.

Қирқ йилдан буён бу саволга жавоб йўқ. Дарвоқе, тарих ҳам географиядек «оқ доғ»ларни ёқтирмайди — эртами-кечми, барибир, бу сир ошкор бўлиши турган гап.

Р.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади



Архив



ТИНГЛОВЧИ ДОНО БЎЛСИН

ёхуд ёшлар қўшиқчилигига доир мулоҳазалар

Дунёда куй-қўшиқ тинглаб роҳатланишдан кўра хушнуд дам бўлмаса керак. Негаки, яхши қўшиқ юрак торларини чертиб ўтади, бир зумга бўлса-да, кўнгилни ташвишлардан фориг қилади, вужудга малҳам каби сингиб жону танни яйратади.

Телеэкранда хонанда куйлаётпти:
«...Сўнг соғинч-ла келиб аста тупроғинг кучдим.

Юрагимнинг гулисан сен, гуллаган Ватан!»

(Наргиза Азимованинг «Ватан» кўшиғидан).

Кўшиқ яна бошқа бир кўшиққа уланади:

«Эккан райхонларинг бўйи ифорли,

Киприкларинг жимирлайди хуморли!»

(Илҳом Иброҳимовнинг «Анжирли ҳовли» кўшиғидан).

Бу хонишларни тинглагач, ватан ва ёрга бўлган муҳаббату соғинч туйғулари бири-бирига қоришиб, юракни шуълалантиради. Кўнглимиз ёришади. Аммо бир қанча вақт ўтмай, яна бир хонанданинг кўшиғи жаранглайди:

«Юракдан севганга ёғилар жазо, Бошидан ҳеч қачон кетмайди бало, Хиёнат қайтади кўрсатсанг вафо, Айтақолгин ўзи, нимасан севги?!»

(Гули Асалхўжаева ва Рустам Маҳмудовнинг айтишувидан). Ажабо, юракни сөхрлаган жўшқин муҳаббат туйғуси ушбу хонишдан сўнг йўққа чиқса-я! Кўшиқчиларимиз нима демокчи ўзи? Ҳамиша мадҳ этиб келинган севги ва вафони қораламоқдами?

Аслида, муҳаббат мадҳияси деярли барча хонандаларнинг репертуаридан кенг ўрин олган. Бироқ, севги лирикасига ким қандай ёндошмоқда? Бугунги ёшлар кўшиқчилигига назар ташласак, юқоридаги саволларга ижобий жавоб топиш қийин. Нега дейсизми? Аксарият кўшиқларда севгиси ҳақида севгилисига қайта-қайта хитоблар, уқтириш ва ошқора чорловлар шу қадар кўпки, улар ўта жўнлиги сабабли тингловчи юрагини жиз эттирмайди. Хонанда Ҳожимурод куйлаган «Оқ кўйлак» кўшиғининг нақоратида шундай дейилади:

«Оқ кўйлак, қора шимда,

Учрашув бор пешинда.

Бир даста гул қўлида,

Ола хуржун бўйнимда».

Кўшиқ бошдан охиригача оддий ва тўмтоқ сўзлардан иборат. Шу сингари ғализликлар ёшлар куйлаётган бошқа кўлаб кўшиқларда ҳам учраётти. Хусусан, Фаррух Аҳмедов кўшиғидаги «Юрагимнинг кўлида сузиб бўлдим муҳаббат», Юлдуз Мадрахимова кўшиғидаги «Кетганинг ёмон, кетганингда бир кун қайтганинг ёмон», Ниғмат Тўхтаев кўшиғидаги «Мендан ўзгага қараб кўзингни сузма-сузма», Сарвара кўшиғидаги «Олмача сувларингда оқай» сингари пой-ма-пой фикрлар, афсуски, тез-тез қулоғимизга чалиниб турибди. Масаланки, ўзбек тили ниҳоятда бой, сержило! Аммо баъзи кўшиқлардаги савияси паст, мазмунан саёз сатрлар ҳамда такрорий бағишловлар қайси шоирлар қаламига мансуб эканини билмай хуноб бўласан киши. Масалан, ёш хонанда Ситора Аҳмедова куйлайдиган кўшиққа қайси шоир «Менсизлик» деб сарлавҳа қўйган экан?

«Қандай экан менсизлик, жоним,

Энди сенга эртакман...», —

дея куйлайди хонанда. Аслида, у «Менсиз яшаш қандай экан?» демокчи бўлаётти. Кўшиқда қайта-қайта такрорланган менсизлик сўзини эса ҳеч бир луғатдан излаб тополмайсиз!

Хуллас, гапирверсак, гап кўп. Биз роҳатланиб эшитаётган кўшиқлар қаторида энгилелпилари ҳам учраётгани беихтиёр «Гуруч курмасиз бўлмас» деган нақлни ёдга солади. Бироқ, гуручнинг курмаги териб олинмас экан, паловдан маза топиш мушкул. Демак, мазмунан саёз кўшиқларни эшитмаслик учун аввало, тингловчи доно ва хушёр бўлмоғи лозим. Шундагина хонанда асил кўшиқ қандай бўлиши кераклигини, тингловчи олдидаги масъулият ҳиссини англайди, кўшиқ учун шеър танлашда етти ўлчаб бир кесиш зарурлигини тушуниб етади!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



(29 декабр-4 январ)

КҲҲ Ўзингизни хотиржам ҳис этасиз. Кўп янгиликлардан воқиф бўласиз. Дўстона учрашувлар юз беради. Душанба ва сешанба кўни муҳим ишларни режалаштирманг. Янги йилда шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муҳим янгилик эшитасиз. Соғлигингизга эътибор беринг.

БҲҲ Янги йилнинг биринчи ҳафтаси сиз учун омадли кечади. Ишда бурилишлар, дўстлар билан ёқимли мулоқотлар кутилмоқда. Пайшанба ва жума ажойиб кунлар бўлади. Дўстлар ва яқинларингиздан янги йил совғалари оласиз. Яқин келажак билан боғлиқ режалар амалга оша бошлайди.

ЭҲҲ Бу ҳафта анча муваффақиятли кечади. Кишилар билан муомала хайрли бўлади. Сизни қийнаётган муаммолар узиб-кесил ҳал бўлади. Оила аъзоларингиз ва қариндошлар билан янги йилни тўқин дастурхон атрофида кутиб олишга ҳарахат қилинг. Фарзандлар соғлигига эътибор беринг.

ҚҲҲ Бошланган ишлар, имзоланган шартномаларнинг қандай яхулианишига сизнинг тадбиркорлигингиз, ишбилармонлигингизга боғлиқ. Душанбада муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Ҳафта учун сафарлар белгиламанг. Чоршанбада янги йилни кутиб олишга эрталабдан ҳозирлик кўришингиз маъқул.

АҲҲ Янги уйга кўчиш ёки таъмирлаш ишларини ҳафтанинг бошида бошлаганингиз маъқул. Фарзандларингиз учун янги йил совғалари харид қиласиз. Пайшанба ва жумада янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилди. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз ва яқинларингиз даврасида ўтказинг.

ПҲҲ Ишбилармонлик янги ҳамкорлар билан ишлашда қўл келади. Сешанба ва чоршанбада ишдаги муаммоларнинг ҳал қилиниши ва оилавий муносабатларнинг яхшиланиши кутилмоқда. Чоршанба кўни янги йил совғаси оласиз. Шанба кўни кутулмаган янгилик эшитасиз. Эрта тонгда бадан тарбия билан шуғулланиши унутманг.

ТҲҲ Ҳафтада бошланган ишлар муваффақиятли туғиши, тижорат лойиҳалари тузиши, билимини бойитиши, ҳаётингизда бурилиш ясайдиган муҳим учрашувлар бўлиши кутилмоқда. Чоршанба кўни жамоадорлар ва ҳамкорлар билан мулоқотда вақтини ва мулоҳазали бўлинг.

ЧҲҲ Сизни олдинда омадли ва янгиликларга бой ҳафта кутмоқда. Шахсий ҳаётда, ишда ҳаммаси жойида бўлади. Ҳеч қандай муаммоларга дуч келмайсиз. Жума кўни тадбиркорлик билан боғлиқ янги гоёлар, иқодий ишларда янги алоқалар вужудга келади. Шахсий гигиена қоидаларига эътибор беринг.

УҲҲ Янги ҳафта сиз учун ўзгача кайфиятда бошланиши мумкин. Душанба кўни ҳар хил мулоқотлардан, саёхат ёки кредит олишдан йироқ бўлинг. Сешанба ва чоршанба кунлари жуда фаол кечади. Парҳезга эътиборли бўлинг. Кайфиятингизни кўтариш учун салатлар ва шарбатлар истеъмол қилинг.

ТОҲ Бошланган ҳафта сиз учун энг зўр ҳафта бўлади. Ишда ва муҳаббат бобида омадингиз келади. Сизни жамоадорларингиз қўллаб-қувватлайди. Чоршанба кўни янги йил дастурхонини тузашда оила аъзоларингизга ёрдам беринг. Ҳафта охирида мулоқотлар кўлами кенгайиши мумкин.

ҚОВҲ Муҳим ишларда келишувга эришилади. Ички индиатлар бартараф этилади. Ҳафта ўртасида сизни гўзал ҳиссиётлар қамраб олади. Ҳаётини ўзгартириш, ресторан, клубларга бориш, вақтни хуш ўтказишга ҳарахат қилинг. Ташқи кўринишингизга эътибор беринг.

БАҲҲ Сешанба ва чоршанба кунлари энг муҳим ишларини белгилашингиз мумкин. Бу кўнда шахсий учрашувлар, муҳаббат оилари, дам олиш, маданий ҳаётдаги ҳодисалар ҳамроҳ бўлади. Пайшанбада эса жиддий иш билан шуғулланасиз. Кўп ишларга улгурин, қийин масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.



Хўжайин келяпти-ку, Суягимни яширай. Мушук билан келишиб Постимга тез, шошилай.

Мушуквой чакқон экан, Ўтди-кетди тешиқдан. Мен-чи тикилиб қолдим, Ўта олмай тирқишдан.

Кинога кўймадилар, Чиптаб йўқ деб, бўкириб. Энди-чи турибман-да, Туйниқдан кино кўриб.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

Уйда Беҳруз, Висола, Ўйнаб, сакраб қувлаймиз. Зерикканда келишиб, Беркинмачоқ ўйнаймиз.

Хўжайин набираси, Атагандир Висола. Боғчадан қайтишини, Кутаяпман мен «Ола».

Маска учун юз қисмим, Суратини олишди. Гонорарин сўрасам, Бермай кетиб қолишди.

Асадулло МИРЗААҚБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касабаяушмалари кўмитасининг раиси



Энди навбатдаги суратга изох топинг-чи?

Келинг бир кулишайлик

— Айтингчи, ишингиз сизга хузур бахш этадими?!
— Йўқ, эзиб юборади!
— Қанақасига?!
— Тасаввур қилинг, ишга бораётиб кўчада кетворган икки қизни учратаман. Улар билан чунонам танишгим келадики! Ишдан қайтаётиб, ўша қизларни яна учратаман, бироқ энди танишгим келмайди...

Янги йил нархлари: Кор-бобо ва Кор-из — 50 доллар. Қорқиз-нинг ўзи — 200 доллар.

Ўликхонанинг телефони жиринглабди:
— Кечирасиз, мен ўликхонага тушдимми?
— Йўқ, ҳозирча сиз бу ёрга телефон қилаяпсиз, холос...

Рассом: Хусан СОДИҚОВ

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОКОВ	Бизга кўнғирок қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусахҳих - Ш.Абдусаматов
	Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маммура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақифланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалолов
		E-mail: ishonch-doverie@mail.ru		Буюртма Г— 1114 Тиражи: 10129	Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 19.50
				Сотувда эркин нархда	2 5 6